

ТАСДИҚЛАЙМАН

Яккабоғ туман Ирригация

бўлими бошлиғи в.в.б

 Б.Сатторов

" " 2022 йил



Яккабоғ туман Ирригация бўлими тасарруфидаги каналларни жорий  
таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан  
энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари

ЯККАБОҒ -2022 йил

## Яккабог туман Ирригация бўлимининг

(ташкилот номи)

энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги

### **Эълони**

**Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** Яккабог туман Ирригация бўлимининг (бундан бўён матнда буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** мазкур харид қилиш хужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

**Харид предметининг бошлангич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** хар бирини нархи 958551218 сўмдан (кўшимча қиймат солигини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами суммаси 958551215 сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

**Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

**Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Яккабог тумани Ирригация бўлими

**Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** Ф.И.О., тел.: К.Ибрагимов.  
Манзили: Яккабог туман А. Темур к-си

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

**Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш хужжатларига мувофиқ харид предметининг бошлангич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қуидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: 207264911

х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014

Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ

ш/х: 100022860102507042402170001

**Яккабоғ туман Ирригация бўлими тасарруфидаги каналларни жорий  
таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан  
энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон бўйича  
танлов малака талаблари**

Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофик) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Яккабоғ туман Ирригация бўлими (бундан буен матнда буюртмачи деб юритилади)
Харид предмети:	Яккабоғ туман Ирригация бўлими тасарруфидаги каналларни жорий таъмири бўйича. Лойиха смета ва экспертиза хуносаларини тайёрлаш хизматлари
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:	958 551 218 (Тўккиз юз эллик миллион беш юз эллик бир минг икки юз ўн саккиз ) сўм. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолагандан сунг 90 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Маҳаллий бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикасининг Миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан Тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, колган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойниг манзили:	Яккабоғ туман Ирригация бўлими
Буюртмачи билан алока боғловчи мансабдор шахс:	Бош ҳисобчи
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакти:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойниг манзили бўйича қабул килиади.
Танловда иштирок этиш шарти:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар куйидаги хужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувохнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака хужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатининг мавжудлиги Танловда жорий таъмирлаш обьекти холатини ўрганиш, Танлов иштирокчини салоҳиятини белгиловчи хужжатлар, Танлов иштирокчини иш хаки жамгармаси ва ходимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлар. (Иштирокчилар танлов таклифларини маҳсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда маҳсус ахборот порталида жойлаштирадилар)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчиларнинг хужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча хужжатлар тўлиқ ва сифатли қўринишда бўлиши шарт. Хужжатлар асл нусхалари рангли сканер холатида жойлаштирилади. Барча хужжатлар аниқ қўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим брқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади. Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий хужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт. Хужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

## **II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказади ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан карор қабул қиласди.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини З-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

### **Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:**

таклифларни таъминлаш учун закалат маблағлари тўлиқ микдорда ўтказилганлиги;

техник топширикка доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган микдорда преференция берилади.